

## Истиғфор жаннат ифорини олиб келсин!



16:21 / 14.12.2018 5768

Кунлари умримиздек қисқа, тунлари орзулармиздек узун қиш... Мўмин инсон қисқа фурсатларни ғанимат билади, узун орзуларга эса берилиб, боғланиб қолмайди.

Бу гал қишни баҳордек суюмли қилиш учун истиғфор ҳақида суҳбатлашамиз. Тилимиз истиғфор билан банд бўлганда чиқаётган ҳовурида совуқ ҳавони илиқ қилолсак, қандай бахт. Истиғфор қалбимизга жаннат ифорини олиб келса қандай саодат!

﴿١٢﴾ أَنْهَرَا لَكَ وَبِجَعَلْ جَنَّتْ لَكَ وَبِجَعَلْ وَيَبِينْ بِأَمْوَالٍ وَيُمَدِّدَكَ ﴿١١﴾ مَدْرَارًا عَلَيْكَ السَّمَاءَ يُرْسِلُ ﴿١٠﴾ عَفَا رَأَاكَ إِنَّهُ رَبُّكُمْ أَسْتَغْفِرُوا

Аллоҳ таоло:



*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Дуонинг мазмуни: «Аллоҳим! Сен Роббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Мени яратдинг, ва мен Сенинг бандангман. Мен қодир бўлганимча Сенинг аҳдинг ва ваъдангдаман. Сендан ўзим қилган нарсаларнинг шарридан паноҳ тилайман. Сенинг менга берган неъматингни эътироф қиламан. Гуноҳларимни ҳам эътироф қиламан. Мени мағфират қил. Сендан бошқа ҳеч бир зот гуноҳларни мағфират қилмас».

Кўпчилик азизлар ушбу «Саййиди истиғфор» номи ила машҳур бўлган дуони ўқиб юришни одат қилганлар.

يَدُّوْا وَاوَّلَاقٍ مَّسْوَءٍ وَيَلْعَنُ الْجَلَّالَ الَّذِي صَبَّيْنَاكَ نَعْنَعُ ، هُوَ الَّذِي صَرَّهَ رِيَّهَ يَبْأَنْعُ  
نُورْفَعَتْ سَيِّفَ نُوْبٍ دِيْمٍ وَقَبَّءَاجَلٍ وَكُؤْبُ هَلَلِ بَدَلٍ اُوْبٍ نُدْتُمْ لَوْلَ وِدِي بِي سَفَنَ  
يُذِمُّرَّتْ لَ اُوْمَلْسُمْ هَاوْرُ . مُمْ هَلْ رَفْعَ يَفَ هَلَلِ .

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Нафсим қўлида бўлган Зот ила қасамки, агар гуноҳ қилмасангиз, Аллоҳ сизларни кетказиб, ўрнингизга гуноҳ қилиб, истиғфор айтадиган бир қавмни келтирур ва уларни мағфират қилур», дедилар».**

*Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.*

Гуноҳ содир этмаган банда бўлиши мумкин эмас. Ожиз банда доимо гуноҳ қилиш эҳтимоли остида яшайди. Шунинг учун банда доимий равишда истиғфор айтиб туриши лозим. Ана ўшанда банданинг синиқлиги ва Аллоҳ таолонинг афв ва мағфирати намоён бўлади. Аммо зинҳор-базинҳор бу ҳадиси шарифдан гуноҳ қилишга даъват маъносини тушунмаслик керак.

هَلَّيْ لَ اُوْمَلْسُمْ هَاوْرُ . مُمْ هَلْ رَفْعَ يَفَ هَلَلِ .  
يُذِمُّرَّتْ لَ اُوْمَلْسُمْ هَاوْرُ . مُمْ هَلْ رَفْعَ يَفَ هَلَلِ .  
يُذِمُّرَّتْ لَ اُوْمَلْسُمْ هَاوْرُ . مُمْ هَلْ رَفْعَ يَفَ هَلَلِ .

*Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Албатта, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким «Астағфируллоҳал азиймаллазии лаа илааҳа иллаа ҳувал-Ҳайял-Қайюма ва атуубу илайҳи», деса, мағфират қилинади. Ҳатто**

**урушдан қочган бўлса ҳам», деганларини эшитган экан».**

Дуонинг маъноси: «Ҳайй ва Қойюм бўлган, Ўзидан бошқа илоҳ йўқ Улуғ Аллоҳга истиғфор айтаман ва Унга тавба қиламан».

Ушбу дуони Бомдоддан олдин бир юз бир марта айтиб юриш тавсия қилинади.

مَزَلْ نَمَ: لَاقِ مَسْوَهِ لَعْلَلْ لَاصِّبِي بِنِ لَانَع، اَمْوَعُ لَلَايَ صَرَسَّ اَبَعِ نَبَانَع  
الْ تُحَيِّحُ نَمُ هَقَزَرَو، اَجْرَفِ مَهْلُكُ نَمَو، اَجْرَمِ قِيضِ لُكُ نَمُ هَلْ لَلَا لَعَجَ رَافُغُ تَسْ اَلَا  
يُئِئِ اسِّنْ لَ اَوْدُوَادُ وُبَا هَاوَرُ. بَسَتْ حَيِّ

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким истиғфорни лозим тутса, Аллоҳ унга ҳар бир торликдан чиқишни, ҳар бир ғамдан кушойиш насиб қилади. Ҳамда уни ўзи билмаган жойдан ризқлантиради», дедилар».**

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилганлар.*

Доимо истиғфор айтиб юрган банда кам бўлмайди. Руҳий тарбия устозлари янги муридларига эрталаб юз марта, кечқурун юз марта истиғфор айтишни вазифа қилиб берадилар. Ана шунга амал қилиш лозим.

**“Ҳадис ва ҳаёт” китобидан**